

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

МАТНИЯЗОВА ҲИЛОЛА ХУДАЙБЕРГЕНОВНА

**СОЯ ВА ҒЎЗАДА ТУРЛИ СУВ РЕЖИМИДА МОРФОХЎЖАЛИК ВА
ФИЗИОЛОГИК БЕЛГИЛАР БЎЙИЧА “ГЕНОТИП - МУҲИТ” ЎЗARO
БОҒЛИҚЛИГИ**

03.00.07- Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

03.00.09- Умумий генетика

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of abstract of doctoral (DSc) dissertation

Матниязова Ҳилола Худайбергеновна

Соё ва ғўзада турли сув режимида морфохўжалик ва физиологик белгилар бўйича “генотип - муҳит” ўзаро боғлиқлиги.....3

Матниязова Ҳилола Худайбергеновна

Взаимодействие "генотип-среда" по морфохозяйственным и физиологическим признакам у сои и хлопчатника при разном водном режиме.....31

Matniyazova Khilola Hudaybergenovna

"Genotype-environment" interaction on morpho-economical and physiological traits of soybean and cotton in different water regime.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works63

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

МАТНИЯЗОВА ҲИЛОЛА ХУДАЙБЕРГЕНОВНА

**СОЯ ВА ҒЎЗАДА ТУРЛИ СУВ РЕЖИМИДА МОРФОХЎЖАЛИК ВА
ФИЗИОЛОГИК БЕЛГИЛАР БЎЙИЧА “ГЕНОТИП - МУҲИТ” ЎЗARO
БОҒЛИҚЛИГИ**

03.00.07- Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

03.00.09- Умумий генетика

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2022

Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/В100 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.genetika.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Набиев Сайдиғани Мухторович
биология фанлари доктори, профессор

Курбанбаев Илхам Джуманазарович
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Сафаров Каримжон Сафарович
биология фанлари доктори, профессор

Джаббаров Иброхим Шодманович
биология фанлари доктори, доцент

Холлиев Аскар Эргашович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат Аграр университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.В.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-23-90, E-mail: igebr_anguz@mail.ru)

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

А.А.Нариманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор

С.К.Бабоев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

Р.К.Шадманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, б.ф.д.,
катта илмий ходим

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда аҳоли сони ортиб бораётгани туфайли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳам кучайиб бормоқда. Ер юзи аҳолиси 2018 йилда 7,4 миллиард бўлган бўлса, 2050 йилга бориб 9,7 миллиардга етиши башорат қилинмоқда¹. Хозирги кунда глобал иқлим ўзгариши ва ҳаво ҳароратининг муттасил ошиб бориши сув захираларининг қисқариб, қурғоқчил ерларнинг сатҳи кенгайиб боришига ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосил ҳажми ва сифати тобора пасайиб боришига олиб келмоқда. Бундай абиотик омилларнинг таъсирини камайтиришда қишлоқ хўжалиги экинларининг, жумладан, ғўза ва соянинг қурғоқчиликка бардошлилигини, ҳосил ҳажми ва сифатини оширишнинг физиологик асосларини тадқиқ қилиш муҳим илмий -амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда *G. hirsutum* L. турига мансуб ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларини яхшилаш, сув танқислигига бардошли бўлган навларини яратишда физиологик кўрсаткичларнинг генотип-муҳит ўзаро боғлиқлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Ғўзанинг туричи дурагайларида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, физиологик кўрсаткичлар билан ўзаро корреляцион боғлиқлигининг генетик қонуниятларини аниқлашга доир тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда ғўза ва соя каби асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг мавжуд генофондидан генетик-селекцион тадқиқотларда кенг фойдаланиш, ўсимликларнинг сув алмашинувининг физиологик кўрсаткичлари ва уларнинг морфохўжалик белгилари билан боғлиқлик хусусиятларидан фойдаланиб, янги истиқболли тизма ва навлар яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизнинг мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ислохотлар амалга оширилгани натижасида ғўза каби анъанавий экиннинг янги навларини яратишда қатор ютуқларга эришилди. Шу ютуқлар билан бирга, янги ноанъанавий экин турларидан бўлган соя ўсимлигини Ўзбекистон шароитига мослаштириш, унинг экин майдонларини кенгайтириш ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² “маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларига мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекцион навларини яратиш ва жорий этиш” вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, соя ва ғўза навлари ва тизмаларининг сув танқислиги каби абиотик стресс омилга мослашуви ва бардошлилик даражаларини аниқлаш ҳамда ушбу хусусиятнинг физиологик ва генетик жиҳатларини илмий томондан тадқиқ этиш асосида қимматли бошланғич ашёларни ажратиб олиш ва селекцияга татбиқ этиш янги навларни яратишда муҳим аҳамият касб этади.

¹ <https://www.un.org/ru/global-issues/population>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ - 2832 - сон “2017-2021 -йилларда Республикада соя экишни кўпайтириш ва соя дуккакли экинларини ўстиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги 105-сон “Республикада соя етиштириш хажмларини янада кўпайтириш чора - тадбирлари тўғрисида” ги, 2019 йил 12 декабрдаги 985-сон “2020 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта етиштиришнинг прогноз хажмлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Gossypium L. туркумига мансуб ғўза турларида ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамлилиқни ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Шимолий Техас университетида (АҚШ), Миссиссипи университетида (АҚШ), Southern Plants Agricultural Research Center (АҚШ), АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти илмий тадқиқот марказларида (USDA-ARS), Cotton Research Institute (Миср), Central Cotton Research Institute (Покистан), Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University (Хитой), Экология ва география институтида (Хитой), Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Cotton Research Institute (Туркия), University of Sydney (Австралия), соя ўсимлигининг ноқулай омилларга чидамлилиқ генетикаси ва физиологияси бўйича тадқиқотлар ICAR-(Indian institute of soybean research) (Ҳиндистон), University of Nebraska, Lincoln (АҚШ), Cairo University (Миср), South Dakota State University (АҚШ), University of Georgia (Тбилиси), Соя генетикаси, геномикаси ва абиотик стрессларга чидамлилиги бўйича тадқиқотлар Missouri университети (The soybean Genetics & Genomics laboratory) ва бошқа илмий муассасаларда олиб борилмоқда.

Ғўза ва соянинг абиотик омилларга бардошлилигига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: юқори ҳарорат ўсимлик ривожланишининг барча босқичларида ғўзанинг ўсиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир этиши аниқланган (University of Agriculture, Faisalabad, Pakistan), генетик-селекцион тадқиқотлар асосида қурғоқчиликка бардошли дурагай ғўза навлари олинган

³ Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.researchgate.net/publication,> [www.mdpi.com/2073-4395/11/9/1825/htm,](http://www.mdpi.com/2073-4395/11/9/1825/htm) [www.ars.usda.gov/plains-area,](http://www.ars.usda.gov/plains-area) [https://mascotton.njau.edu.cn,](https://mascotton.njau.edu.cn) <https://iisrindore.icar.gov.in/> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

(Cotton Research Institute (CRI) of Nanjing Agricultural University), молекуляр генетик тадқиқотлар асосида тузга чидамлилиқ генлари аниқланган (Texas Tech University, Lubbock, Texas, USA), соя ўсимлигини етиштиришда тупрок экосистемасининг роли аниқланган (South Dakota State University), соя геномининг эволюциясини молекуляр генетик тадқиқ қилиш орқали қурғоқчиликка чидамлилиқ маркерлари аниқланган ва бу маркерлар ёрдамида юқори ҳосилдор тизмалар коллекцияси яратилган (The soybean Genetics & Genomics laboratory, USA).

Дунёда соя ва ғўзанинг абиотик стресс омилларга чидамлилиги бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли агроэкологик шароитларда морфоҳўжалиқ белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги, соя ва ўрта толали ғўзанинг хилма-хилликларидан селекция жараёнида бошланғич манба сифатида фойдаланиш, ғўза гермплазмаси генетик потенциалини геном технологиялари ёрдамида селекция дастурларга жалб этиш, анъанавий ва ноанъанавий генетик-селекция усуллар ва замонавий МАС технологиялари асосида қимматли хўжалиқ белгилари ва мослашувчанлик хусусиятлари мажмуасига эга янги навларни яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соянинг биокимёси, генетикаси, физиологияси ва етиштириш агротехникаси бўйича хорижий ва МДҲ давлатларининг бир гуруҳ олимлари (В.Б.Енкен, 1959; А.К.Лещенко, 1987; А.В. Кочегура, 2000; А.Н. Simonne, 2000; Д.Р.Эриксон, 2002, Д.С.Тымчук, В.В.Жмурко, 2005; М.А Вишнякова, И.В.Сеферова, 2005; В.М. Лугомец, 2006; В.Е.Розенцвейг, 2006, 2008; Y.Changrong, 2007; Л.Е.Тюрина, Н.А.Табаков, 2008; Ю.В. Береснева, 2010; В.В.Рогожин, Д.В.Перетолчин, 2010; В. С. Петибская, 2012; Л.А. Кучеренко, 2014; Н.Н.Arioglu, 2014) тадқиқотлар олиб борганлар. Мамлакатимиз олимлари томонидан соянинг генетикаси, хўжалиқ белгилари ва биокимёвий таркиби билан боғлиқ илмий изланишлар Андижон Давлат Университети, Шолчилик илмий тадқиқот институти, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда. Жумладан, қатор олимлар (И.О.Рустамова, 1965; Х. Н. Атабаева, 2004; Р.О. Орипов ва бошқалар, 2007; М.Ф. Абзалов, О.Қlicheва, 2008; Д.Р. Аннамуратова, 2010; Д.Ёрматова 2014; Д.К.Рашидова, 2015; Ш.Юнусханов ва бошқалар, 2019; З.Л.Абдураззоқова ва бошқалар, 2020; И.Д.Курбанбаев ва бошқалар, 2020; М.Жайнақов, 2020) томонидан соя навларининг етиштириш агротехникаси ва айрим биокимёвий жиҳатлари ўрганилган.

Ўзанинг қурғоқчиликка мослашуви ва чидамлилигининг айрим физиологик жиҳатлари қатор олимлар (С.Н.Рыжов, В.Е.Еременко, 1953; С.А.Гильдиев, 1965; Х.С.Самиев, 1979, 1984, 1987, 1991, 2010; Н.С.Петин, Н.Ш.Шерматов, Е.А.Попова, 1981; Х.С.Самиев, К.Г.Марфина, А.Хайдарова, 1984; К.Г.Марфина, Х.С.Самиев, 1984; Е.А.Попова ва бошқалар, 1984; Е.А.Попова ва Х.О.Сайдалиева, 1984; М.П.Меднис, 1989; Э.Э.Маротт, С.М.Газиянц, К.Г.Осипов, 1989; Р.Ю.Алиқулов, Х.С.Самиев, 1991;

Р.Ю.Алиқулов, 1992, 1994; А.Э.Холлиев, С.Б.Бўриев, У.Г.Норбоева, 2005; А.Э.Холлиев, 2009, 2011, 2016) томонидан тадқиқ қилинган. Бу муаммонинг баъзи ирсий томонлари эса бошқа бир гуруҳ олимлар (Н.Г.Симонгулян, 1977, 1991; Н.Г.Симонгулян, М.Бей Амаду, 1986; Э.Маротт, 1989 А.А.Имамалиев, 1991; Б.Х.Нуров, 1995; Н.Г.Губанова ва бошқалар, 1997, 2009; Н.А.Саакова, 2000; С.М.Набиев ва бошқалар, 2002, 2003, 2006, 2007, 2020) томонидан ўрганилган.

Бироқ, соя ва ғўза ўсимликларининг турли сув режимида, чунончи, сув танқислиги шароитида физиологик ва биокимёвий хусусиятларини морфоҳўжалик белгилари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №Ф5-ТО25 “Ўрта толали ғўза навлари, тизмалари, нав намуналари ҳамда уларнинг дурагайларида қурғокчиликка ва вилтга чидамлилигининг физиологик ва генетик асосларини ўрганиш” (2012-2016), № ФА-АҚХ 2018-24 “Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида ажратилган соя ўсимлигини генетик коллекция тизмаларида мой ва оксил миқдорини ҳамда уларни сифатлари бўйича баҳолаш” (2018-2020) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғўза ва сояда турли сув режими шароитларида морфоҳўжалик ва физиологик-биокимёвий белгилар бўйича “генотип-муҳит” ўзаро боғлиқлиги хусусиятларини аниқлаш ва қимматли селекцион ашёлар олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

G. hirsutum L. турига мансуб ғўза навлари ва тизмаларининг морфоҳўжалик ва физиологик белгилари бўйича “генотип-муҳит” ўзаро боғлиқлиги хусусиятларини турли сув режимига боғлиқ ҳолда тавсифлаш;

ўрта толали ғўза навларининг F_1 дурагайларида морфоҳўжалик ва физиологик белгиларнинг турли сув режими шароитларида ирсийланиши, дурагайларнинг F_2 авлодида айрим хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги ва наслдан-наслга берилишини гибридологик таҳлил қилиш;

ғўзанинг ота-она навлари ва уларнинг дурагайлари гуруҳларида морфоҳўжалик ва физиологик белгиларининг корреляциясини аниқлаш;

ўрта толали ғўзанинг сув танқислигига чидамли генотипларини ажратиб олиш ва келгусидаги генетик-селекцион тадқиқотларга бошланғич ашё сифатида тавсия этиш;

сув билан турлича таъминланганлик шароитида соянинг маҳаллий ва хорижий навларида морфоҳўжалик ва физиологик-биокимёвий кўрсаткичларни аниқлаш;

соянинг сув танқислигига мослашуви ва чидамлилигининг морфобиологик хусусиятларини аниқлаш;

соянинг сув танқислигига чидамли селекцион навларини ажратиб олиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *G. hirsutum* L. турига мансуб ғўза навлари, уларнинг турли авлод дурагайлари ва янги тизмалардан ҳамда соянинг маҳаллий ва хорижий навларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети турли сув режимида ўрта толали ғўза навларининг дурагайларида физиологик ва морфоҳўжалик белгиларининг гибридологик таҳлили, янги тизмалар тавсифи, соя навларида физиологик-биокимёвий ва морфоҳўжалик белгиларининг қиёсий таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анъанавий генетик-селекцион усуллардан, туричи дурагайлаш, гибридологик таҳлил, физиологик-биокимёвий ва статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

илк бор ўрта толали ғўза навларининг баъзи тўғри ва тескари F_1 дурагайларида физиологик-биокимёвий ва морфоҳўжалик белгилари бўйича реципрок фарқланишларнинг юзага чиқиши ёки мавжуд бўлмаслиги сув билан таъминланганлик шароитларига боғлиқлиги аниқланган;

сув танқислигида ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдори, транспирация жадаллиги, хлорофилл “а”, хлорофилл “б” ва умумий хлорофилл миқдорининг турли даражада камайиши, баргларнинг сув ушлаш хусусиятининг ва каротиноидлар миқдорининг ошиши ғўзанинг генотипик таркиби (навлар, оддий ва мураккаб F_1 дурагайлари) га эмас, балки уларнинг мослашувчанлик хусусиятларига боғлиқ эканлиги аниқланган;

сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислигида кўплаб тўғри ва тескари F_1 дурагайлари баргларнинг сув ушлаш хусусияти бўйича реципрок фарқланишга эга эмаслиги ва бу белгининг асосан ядровий генлар томонидан бошқарилиши аниқланган;

ўрта толали ғўзанинг морфоҳўжалик белгилари бўйича генетик кўрсаткичлар -доминантлик (h_p), корреляция (r), вариация (V) ва наслдан-наслга берилиши (h^2) коэффицентлари дурагайлаш усуллари (оддий, мураккаб) дан кўра, кўпроқ ҳар бир генотипнинг сув билан таъминланганлик шароитларига таъсирчанлик даражасига боғлиқлиги аниқланган;

маҳаллий ва хорижий соя навларида сув танқислигига мослашувчанлик даражалари бўйича генетик полиморфизм мавжудлиги аниқланган, сув танқислигида барглардаги умумий сув миқдори, транспирация жадаллиги, яшил пигментлар миқдорининг камайиши, баргларнинг сув ушлаш хусусияти ва каротиноидлар миқдорининг ҳамда каталаза, пероксидаза, супероксиддисмутаза ферментларининг фаоллиги ҳамда пролин аминокислоталарининг миқдори ошиши аниқланган;

моделлаштирилган қурғоқчилик ғўза ва соянинг сув танқислиги шароитига физиологик ва морфоҳўжалик белгилари бўйича яхши мослашувчанлик ва чидамлилик хусусиятларига эга генотипларни ажратиб олиш имконини бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўрта толали ғўзада турли сув режими шароитларида генетик-селекцион ишларни олиб бориш натижасида ғўзанинг қурғоқчиликка чидамлилик селекциясида бошланғич манба сифатида фойдаланиш мумкин бўлган генотиплар ажратиб олинган;

ғўзанинг Т-7 тизмасидан ҳосилдор, сувсизликка чидамли “Самара” нави яратилган ва бу навнинг бирламчи уруғчилиги йўлга қўйилган;

махаллий ва хорижий соя навларида морфо-хўжалик ҳамда физиологик-биокимёвий тадқиқотлар асосида қурғоқчиликка чидамли бошланғич манбалар ажратиб олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва дала тажрибаларидан олинган назарий ҳамда амалий натижаларнинг маҳаллий ва хорижий тажрибалар билан қиёсланганлиги ҳамда қилинган хулосаларнинг асосланганлиги, дала тажрибалари, илмий ва амалий натижаларнинг мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб борилгани, натижалар республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда диссертация иши натижалари ЎзР ВМ ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий журналларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрта толали ғўзанинг турли гуруҳларида сув танқислигида физиологик ва морфо-хўжалик белгилари бўйича мослашувчанлик ва ирсийланиш хусусиятлари аниқлангани, ўрганилган белгилар бўйича реципрок фарқланишнинг сув билан таъминланганлик шароитларига боғлиқлиги исботлангани, физиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро боғлиқлик даражалари аниқлангани, ғўзада физиологик, қимматли хўжалик ва генетик кўрсаткичларнинг намоён бўлишида генотипик таркиб билан бир қаторда, сув билан таъминланганлик шароитлари ҳам муҳим аҳамият касб этиши аниқланганлиги, турли сув режими шароитларида маҳаллий ва хорижий соя навларининг морфо-хўжалик, физиологик-биокимёвий кўрсаткичлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланганлиги, соя навларининг ушбу белгилар бўйича тупроқдаги сув танқислигига мослашуви даражалари аниқланганлиги, маҳаллий ва хорижий соя навларида сув танқислиги шароитига мослашиш жараёнида каталаза, пероксидаза ва супероксиддисмутаза ферментлари фаоллиги ҳамда пролин аминокислотасининг миқдори ошиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оптимал сув режими фони билан бир қаторда, сунъий (моделлаштирилган) қурғоқчилик фонидан фойдаланилгани, физиологик-биокимёвий ва генетик-селекцион тадқиқот усулларининг биргаликда қўлланилганлиги, қурғоқчиликка чидамлилик селекцияси учун бошланғич манба сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ғўза ва соя генотиплари ажратилганлиги, ўрта толали ғўза тадқиқотларида дурагайлашнинг турли усулларидан фойдаланилгани, ўрта толали “Самара”

ғўза нави яратилгани ва ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Соя ва ғўзада турли сув режимида морфоҳўжалик ва физиологик белгилар бўйича “генотип - мухит” ўзаро боғлиқлиги хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Сув танқислигига чидамли нав сифатида яратилган “Самара” ғўза нави Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани “Bek cluster” МЧЖ да 1,0 гектар ҳамда Андижон вилоятидаги “Khantex Group” агрокластерида 0,22 га ер майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 26 ноябрдаги № 02/027-4820 - сонли маълумотномаси). Натижада, янги ўрта толали “Самара” ғўза нави юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини берган.

Т-7 тизмасидан яратилган қурғоқчиликка чидамли ўрта толали “Самара” ғўза нави Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг “Ўза генофонди” ноёб объекти коллекциясига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 23 сентябрдаги № 4/1255-2634 - сонли маълумотномаси). Натижада, “Самара” нави ўрта толали ғўза коллекциясининг хилма-хиллигини бойитиш имконини берган;

ғўзанинг сув билан турлича таъминланганлик шароитларида қимматли хўжалик белгилари бўйича ажратиб олинган генотиплар ФА-А-КХ2018-30 “Ўзанинг янги, тезпишар, ҳосилдор, касалликларга бардошли, турли иқлим шароитларига мослашган, ўзида қимматли хўжалик белгиларини мужассам этган навларини яратиш ва такомиллаштириш” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳада янги навларнинг мослашувчанлигини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 23 сентябрдаги 4/1255-2634-сон маълумотномаси). Натижада, янги ўрта толали ғўза навлари ва тизмаларидан сув танқислигига чидамлилик хусусиятларига эга бўлган қимматли бошланғич ашёларини ажратиб олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та, жумладан, 4 та халқаро, 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган. 1 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

“Кириш” қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг сув танқислигига мослашувчанлик хусусиятлари”** да диссертация мавзусининг мақсад ва вазифалари бўйича республикамиз ва хорижда олиб борилган илмий тадқиқотларнинг, жумладан, генотип-муҳит ўзаро таъсири ва ўсимликларнинг сув танқислигига реакцияси, сув билан таъминланганлик шароитларининг морфоҳўжалик ва физиологик белгиларга таъсири, сув билан турлича таъминланганлик шароитларида соя ва ғўза ўсимликларида бу белгиларнинг намоён бўлиши ва корреляциясини ўрганиш бўйича олинган илмий ва амалий натижаларнинг чуқур таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Тадқиқотларнинг объекти, шароити ва усуллари”** да тажриба объекти ва ўтказиш шароитлари, тадқиқотларда қўлланилган генетик-селекцион, физиологик-биокимёвий ва статистик усуллар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Турлича сув режимида ғўзанинг *G. hirsutum* L. тури навларининг оддий дурагайларида физиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги”** да сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида ўрта толали ғўза навларининг оддий F_1 ва F_2 дурагайларида физиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва ўзаро боғлиқлиги бўйича олинган натижаларнинг таҳлили келтирилган.

Биринчи бўлим **“Ќўза навларининг баргларидаги умумий сув миқдори ва унинг F_1 дурагайларида ирсийланиши”** да оптимал сув режимига нисбатан тупроқда сув танқислиги шароитида ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдори ўрганилган ғўза навларида мослашувчанлик коэффициенти ($K_{мос}$) кўрсаткичларига мувофиқ, 7,5% дан то 19,9% гача, F_1 дурагайларида эса 1,1% дан то 31,2% гача камайгани кўрсатилган. Бу ҳолат ўсимликлар баргларидаги умумий сув миқдори сув билан таъминланганлик шароитлари билан бир қаторда, генотипик таркибга ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатади. Олган натижаларимиз турли сув режими шароитларида ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдори белгисининг F_1 дурагайларида турлича ирсийланишини, доминантлик коэффициенти (h_p) сув билан таъминланганлик шароитлари билан бир қаторда, дурагайлارнинг ота - она шакллари таркибига ҳам боғлиқ равишда ўзгаришини намоён этади.

Иккинчи бўлим **“Ќўза навлари баргларининг сув ушлаш хусусияти ва унинг F_1 дурагайларида ирсийланиши”** да сув танқислиги фонида Эластик

ғўза навининг ўсимликлари баргларининг сув ушлаш хусусияти (БСУХ) оптимал фондагига нисбатан сезиларли ошгани ва бу нав бошқа навларга нисбатан вақт бирлигида сувни камроқ (баргдаги сувнинг умумий миқдоридан атиги $12,6 \pm 1,2\%$ ини) буғлатгани баён этилган. Кўпайсин нави эса аксинча, бошқа навларга нисбатан тупроқ қурғоқчилиги шароитида сувни кўпроқ (умумий сув миқдоридан $25,7 \pm 0,9\%$ ини) буғланишга сарфлади. Бу навларни ўзаро чапиштириб олинган F_1 Эластик х Кўпайсин дурагайида белгининг ирсийланиши БСУХ паст бўлган Кўпайсин навининг тўлиқсиз доминантлиги ($h_p=0,5$) остида кечди. БСУХ кўрсаткичлари ўзаро яқин бўлган 108-РФ ва Листопад навлари (мос равишда $24,6 \pm 1,8\%$ ва $23,4 \pm 0,2\%$) нинг F_1 108-РФ х Листопад дурагайида белги кўрсаткичи $18,9 \pm 0,9\%$ ни, h_p эса $-8,5$ га тенг бўлди, яъни белги салбий ўта доминантлик ҳолатида ирсийланди ва ушбу дурагай ўсимликлари ота-она навларига нисбатан вақт бирлигида сувни камроқ буғлатдилар.

Сув танқислиги шароитида баргларнинг сув ушлаш хусусияти белгиси 22 та F_1 дурагайларидан 3 тасида ижобий ўта доминантлик, 5 тасида салбий ўта доминантлик, 8 тасида ижобий тўлиқсиз доминантлик, 4 тасида салбий тўлиқсиз доминантлик ва 2 тасида ижобий тўлиқ доминантлик ҳолатида ирсийланди.

Тадқиқотларимизда ўрганилган ғўзанинг ота-она ва дурагай генотипларида тупроқ қурғоқчилигида ўсимлик баргларининг сув ушлаш хусусиятининг ошиши бу шароитда ғўза баргларидаги сувнинг қийин ажралувчи фракцияларининг миқдори юқори эканлигидан далолат беради.

Фикримизча, баргларнинг сув ушлаш хусусияти сув буғланиши жадаллигининг тўқима ёки орган даражасидаги хужайралараро сув алмашинувининг кўрсаткичи сифатида қаралиши мумкин, у хужайрада сувни сақланишига боғлиқ бўлган барча омилларнинг умумий фаолияти натижасида намоён бўлади ҳамда унинг катталиги қурғоқчиликка чидамлиликини тавсифлаш учун қўлланиши мумкин.

Учинчи бўлим “Ғўза навларининг баргларидаги транспирация жадаллиги ва унинг F_1 дурагайларида ирсийланиши” да навлар ва F_1 дурагайлари баргларидаги транспирация жадаллиги маълумотлари келтирилган. Оптимал сув режимига нисбатан сув танқислиги шароитида барча ўрганилган ғўза генотипларининг ўсимликлари баргларидаги транспирация жадаллиги турли даражада пасайиши аниқланди, яъни гуллаш - ҳосил тўплаш даврида тупроқда намлик етишмаслиги навлар ва F_1 дурагай ўсимликларининг сув алмашинуви жараёнларига кучли салбий таъсир қилиб, барглардаги сув буғланишини камайтирди.

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида бўлгани каби, сув танқислиги шароитида ҳам 108-РФ навининг ўсимликлари бошқа ғўза навларига нисбатан кўпроқ ($175,4 \pm 2,6$ мг/г.с.) сув буғлатдилар. Нисбатан паст транспирация жадаллиги Листопад навида ($104,4 \pm 1,1$ мг/г.с.) аниқланди. Навларнинг F_1 дурагайларида энг юқори транспирация жадаллиги F_1 Фаровон х Листопад ва F_1 Эластик х Листопад комбинацияларида (мос равишда

171,3±1,5 мг/г.с. ва 171,3±1,5 мг/г.с.) қайд қилинган бўлса, F₁ Листопад х Фаровон ва F₁ Фаровон х Ишонч комбинацияларида (мос равишда 100,4±0,9 мг/г.с. ва 106,7±0,3 мг/г.с.) бошқа дурагайларга нисбатан транспирация жадаллиги сустроқ кечди.

Юқори транспирация жадаллигига эга 108-РФ ва энг паст кўрсаткичга эга бўлган Листопад навлари (мос равишда 175,4±2,6 мг/г.с. ва 104,4±1,1 мг/г.с.) ни чатиштириб олинган F₁ 108-РФ х Листопад комбинациясида транспирация жадаллиги 120,2±4,2 мг/г.с. ни ташкил этиб, белги салбий тўлиқсиз доминантлик (h_p=-0,6) ҳолатида ирсийланди. Транспирация жадаллиги бўйича ота-она шакллари бир-биридан ишончли фарқ қилмайдиган Эластик ва Фаровон навлари (мос равишда 116,1±1,4 мг/г.с. ва 119,1±1,0 мг/г.с.) нинг F₁ Эластик х Фаровон комбинациясида транспирация жадаллиги 144,0±1,0 мг/г.с. га, доминантлик коэффициенти (h_p) эса 17,6 га тенг бўлиб, белги ижобий ўта доминантлик ҳолатида ирсийланди.

Учинчи бобнинг тўртинчи бўлими “Ўза навларининг баргларидаги пигментлар миқдори ва унинг F₁ дурагайларида ирсийланиши” да ўза баргларидаги хлорофилл “а”, хлорофилл “б”, умумий хлорофилл миқдори, каротиноидлар миқдори ва бу белгиларнинг F₁ дурагайларида ирсийланиши натижалари келтирилган (1-жадвал). Навларнинг F₁ дурагайларида хлорофилл “а” миқдорининг юқори кўрсаткичлари F₁ Кўпайсин х Эластик ва F₁ Эластик х Листопад комбинацияларида (мос равишда 2,90±0,5 мг/г. ва 2,62±0,7 мг/г.), паст кўрсаткичлар эса F₁ Фаровон х 108 РФ ва F₁ Листопад х Ишонч комбинацияларида (мос равишда 1,89±0,2 мг/г. ва 1,99±0,2 мг/г.) аниқланди.

Оптимал сув режимига нисбатан сув танқислиги шароитида барча ўрганилган ўза генотипларининг баргларидаги хлорофилл “а” нинг миқдори турли даражада камайди, яъни ўсимликларнинг гуллаш - ҳосил тўплаш даврида тупроқда намлик етишмаслиги ўза навлари ва уларнинг F₁ дурагай ўсимликларининг ушбу белгисига салбий таъсир қилди.

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида бўлгани каби сув танқислиги шароитида ҳам Кўпайсин ўза нави ўсимликлари баргларида бошқа навлардагига нисбатан кўпроқ хлорофилл “а” (2,78±0,2 мг/г.) борлиги, нисбатан кам хлорофилл “а” миқдори эса Листопад навида (1,69±0,1 мг/г.) эканлиги аниқланди. Тажрибаларимиз давомида турлича сув режими шароитларида ўрта толали ўза навлари ва дурагайлари ўсимликларининг баргларидаги каротиноидлар миқдори ҳам ўрганилди. Олган натижаларимизга кўра, сув билан оптимал таъминланганлик шароитида баргларидаги каротиноидлар миқдори бўйича навлар гуруҳида энг юқори кўрсаткич Ишонч навида (0,59±0,06 мг/г.), энг паст кўрсаткич эса 108-РФ навида (0,39±0,09 мг/г.) қайд этилди (2-жадвал). Сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислигида барча ўрганилган ўза генотипларида баргларидаги каротиноидлар миқдори турли даражада ошди. Бунда, ўза навлари гуруҳида ўсимлик баргларидаги каротиноидлар миқдорининг энг юқори кўрсаткичлари Фаровон ва Ишонч

**Турли сув режими шароитларида ғўза навлари баргларидаги пигментлар
миқдори (мг/г.) ва унинг F₁ дурагайларида ирсийланиши**

№	Навлар ва F ₁ дурагайлари	Хлорофилл “а” миқдори, мг/г					Хлорофилл “б” миқдори, мг/г.				
		ОФ	hp	МҚ	hp	Кмос,%	ОФ	hp	МҚ	hp	Кмос,%
1	Фаровон	2,08±0,02	-	1,99±0,01	-	-4,3	0,92±0,07	-	0,49±0,03	-	-46,7
2	Эластик	2,25±0,01	-	2,14±0,06	-	-4,9	0,79±0,03	-	0,65±0,09	-	-17,7
3	Кўпайсин	2,81±0,02	-	2,78±0,02	-	-1,1	0,71±0,08	-	0,60±0,01	-	-15,5
4	Листопад	1,91±0,05	-	1,69±0,01	-	-11,5	0,71±0,03	-	0,68±0,05	-	-4,2
5	108 РФ	1,99±0,01	-	1,83±0,08	-	-8,0	1,01±0,07	-	0,98±0,01	-	-3,0
6	Ишонч	2,38±0,07	-	2,14±0,05	-	-10,1	0,67±0,01	-	0,63±0,06	-	-6,0
7	Фаровон х 108 РФ	1,89±0,02	-3,2	1,85±0,02	-0,8	-2,1	0,72±0,04	-5,4	0,65±0,04	-0,3	-9,7
8	Фаровон х Ишонч	2,10±0,02	-0,9	2,01±0,01	-0,7	-4,3	0,71±0,01	-0,7	0,58±0,02	0,3	-18,3
9	Фаровон х Эластик	2,32±0,01	1,8	2,22±0,09	2,1	-4,3	0,77±0,01	-1,3	0,69±0,09	1,5	-10,4
10	Фаровон х Кўпайсин	2,26±0,01	-0,5	1,97±0,01	-1,1	-12,8	0,87±0,06	0,5	0,70±0,01	2,8	-13,0
11	Фаровон х Листопад	2,20±0,03	2,4	1,65±0,07	-1,3	-25,0	0,83±0,02	0,1	0,80±0,07	2,3	-3,6
12	108-РФ х Эластик	2,09±0,01	-0,2	1,78±0,03	-1,3	-14,8	0,75±0,07	-1,4	0,63±0,03	-1,1	-16,0
13	108-РФ х Кўпайсин	2,33±0,03	-0,2	1,65±0,03	-1,4	-29,2	0,85±0,08	-0,1	0,82±0,02	0,2	-3,5
14	108-РФ х Листопад	2,47±1,01	13,0	1,65±0,06	-1,6	-33,2	1,02±0,04	1,1	0,96±0,05	0,9	-5,9
15	108-РФ х Фаровон	2,32±0,01	6,3	1,75±0,03	-2,0	-24,6	0,92±0,09	-1,0	0,81±0,01	0,3	-12,0
16	108-РФ х Ишонч	2,27±0,03	0,4	1,67±0,01	-2,0	-26,4	0,94±0,02	0,6	0,75±0,01	-0,3	-20,2
17	Эластик х Листопад	2,62±0,07	3,2	2,10±0,09	0,8	-19,8	1,07±0,01	8,0	0,79±0,01	8,3	-26,2
18	Эластик х Кўпайсин	2,21±0,01	-1,1	2,14±0,01	-1,0	-3,2	0,80±0,03	1,2	0,65±0,01	1,0	-18,8
19	Эластик х 108 РФ	2,28±0,07	1,2	2,26±0,08	1,8	-0,9	0,84±0,05	-0,5	0,77±0,08	-0,3	-8,3
20	Эластик х Фаровон	2,18±0,01	0,2	2,12±0,01	0,7	-2,8	0,80±0,02	-0,8	0,72±0,07	1,9	-10,0
21	Кўпайсин х Эластик	2,90±0,05	1,3	2,43±0,08	-0,1	-16,2	1,07±0,01	8,0	0,84±0,06	8,6	-21,5
22	Кўпайсин х Фаровон	2,34±0,05	-0,3	1,92±0,06	-1,2	-17,9	0,88±0,01	0,6	0,87±0,03	5,9	-1,1
23	Кўпайсин х Листопад	2,21±0,08	-0,3	1,52±0,02	-1,3	-31,2	0,89±0,09	0,2	0,84±0,09	5,0	-5,6
24	Листопад х Кўпайсин	2,12±0,06	-0,5	1,95±0,02	-0,5	-8,0	0,84±0,05	0,1	0,81±0,07	4,2	-3,6
25	Листопад х 108 РФ	2,10±0,02	3,8	2,02±0,01	3,7	-3,8	0,78±0,06	-0,5	0,67±0,03	-1,1	-14,1
26	Листопад х Ишонч	1,99±0,02	-0,7	1,62±0,01	-1,3	-18,6	0,85±0,06	8,0	0,78±0,01	5,0	-8,2
27	Листопад х Фаровон	2,02±0,09	0,3	1,96±0,03	0,8	-2,9	0,88±0,01	0,6	0,68±0,04	1,0	-22,7
28	Листопад х Эластик	2,22±0,01	0,8	1,73±0,09	-0,8	-22,1	1,00±0,01	6,2	0,93±0,05	17,7	-7,0

навларида (мос равишда $0,64 \pm 0,03$ мг/г. ва $0,64 \pm 0,02$ мг/г.), энг паст кўрсаткич эса 108-РФ навида ($0,45 \pm 0,06$ мг/г.) қайд қилинди.

Тупроқда нам етишмаслиги шароитида навларнинг F_1 дурагайларида барглардаги каротиноидлар миқдори бўйича энг юқори кўрсаткичлар F_1 108-РФ х Кўпайсин ва F_1 Фаровон х Эластик комбинацияларида (мос равишда $0,67 \pm 0,02$ мг/г ва $0,65 \pm 0,07$ мг/г), энг паст кўрсаткичлар эса F_1 Фаровон х 108 РФ ва F_1 Эластик х Кўпайсин комбинацияларида (мос равишда $0,46 \pm 0,03$ мг/г ва $0,48 \pm 0,07$ мг/г) намоён бўлди. Сув танқислиги шароитида барглардаги каротиноидлар миқдори белгиси 22 та F_1 дурагайларидан 7 тасида ижобий ўта доминантлик, 4 тасида салбий ўта доминантлик, 5 тасида юқори кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз доминантлиги, 5 тасида паст кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз доминантлиги ва 1 тасида юқори кўрсаткичли навнинг тўлиқ доминантлиги ҳолатларида ирсийланди.

Шундай қилиб, оптимал сув режимидагига нисбатан тупроқда сув танқислиги шароитида ўсимлик барглардаги каротиноидлар миқдори тажрибамизда ўрганилган ғўза навларида 8,5% дан 39,1% гача, F_1 дурагайларида эса 2,1% дан 44,2% гача ошганлиги аниқланди. Бу ҳолат ғўза навлари ва дурагайлари сув танқислигига ўсимлик барглардаги каротиноидлар миқдорининг турли даражада ошиши билан мосланишларини кўрсатади.

Учинчи бобнинг бешинчи бўлими “Ғўза навларининг қимматли - хўжалик белгилари ва уларнинг F_1 дурагайларида ирсийланиши” да турли сув режими шароитларида ғўза навлари ва уларнинг F_1 дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларидан сентябрь ҳосили, битта кўсақдаги пахта оғирлиги ва 1000 дона чигит вазни белгиси кўрсаткичлари келтирилган. Оптимал сув режимида нисбатан тупроқда сув танқислиги шароитида сентябрь ҳосили навларда 0,9-30,8%, F_1 дурагайларида эса 0,2-57,7% гача камайди. Бу ҳолат сентябрь ҳосили сув билан таъминланганлик шароитлари билан бир қаторда, генотипик таркибга ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатади. Олинган натижалар турли сув режими шароитларида ушбу белгининг F_1 дурагайларида турлича ирсийланишини, бунда доминантлик коэффициенти (h_p) сув билан таъминланганлик шароитлари билан бир қаторда, дурагайларнинг ота – она шакллари таркибига ҳам боғлиқ равишда ўзгаришини намоён этади.

Сув танқислигига чидамликни битта ўсимликдаги юқори сентябрь ҳосили ва гетерозис самараси билан уйғунлаштирган F_1 Листопад х Фаровон ($62,2 \pm 0,9$ г.), F_1 Кўпайсин х Эластик ($55,8 \pm 1,2$ г.), F_1 Листопад х Кўпайсин ($55,7 \pm 0,2$ г.) каби F_1 комбинацияларидан ғўзанинг қурғоқчиликка чадамлик селекциясида бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкин.

Оптимал сув режими шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида деярли барча ғўза навлари ва дурагайларида битта кўсақдаги пахта вазни камайгани аниқланди. Сув танқислиги шароитида йирик кўсақлар Ишонч ($5,9 \pm 0,2$ г.) навида, майдароқ кўсақлар эса Фаровон навида ($5,1 \pm 0,2$ г.) қайд этилди. F_1 дурагайларида белгининг энг юқори кўрсаткичлари F_1 108-РФ х Фаровон, F_1 Фаровон х Кўпайсин ва F_1 Кўпайсин х Эластик

Турли сув режими шароитларида гўза навлари баргларидаги пигментлар миқдори (мг/г) ва унинг F₁ дурагайларида ирсийланиши.

№	Навлар ва F ₁ дурагайлари	Умумий хлорофилл миқдори, мг/г.					Каротиноидлар миқдори, мг/г.				
		ОФ	hp	МҚ	hp	Кмос,%	ОФ	hp	МҚ	hp	Кмос,%
1	Фаровон	3,00±0,02	-	2,38±0,07	-	-20,7	0,46±0,02	-	0,64±0,03	-	+39,1
2	Эластик	2,78±0,01	-	2,09±0,06	-	-24,8	0,42±0,08	-	0,57±0,07	-	+35,7
3	Кўпайсин	2,57±0,09	-	2,53±0,03	-	-1,6	0,43±0,05	-	0,53±0,04	-	+23,3
4	Листопад	2,64±0,01	-	2,36±0,08	-	-10,6	0,46±0,03	-	0,50±0,09	-	+8,7
5	108 РФ	3,00±0,05	-	2,81±0,04	-	-6,3	0,39±0,09	-	0,45±0,06	-	+15,4
6	Ишонч	3,06±0,01	-	2,78±0,01	-	-9,2	0,59±0,06	-	0,64±0,02	-	+8,5
7	Фаровон х 108 РФ	2,61±0,07	-0,4	2,56±0,02	-0,2	-1,9	0,45±0,09	0,7	0,46±0,03	-0,9	+2,2
8	Фаровон х Ишонч	2,81±0,03	-7,3	2,73±0,08	0,8	-2,8	0,46±0,08	-1,0	0,52±0,03	-0,1	+13,0
9	Фаровон х Эластик	3,09±0,02	1,8	2,89±0,09	1,6	-6,5	0,54±0,06	5,0	0,65±0,07	1,3	+20,4
10	Фаровон х Кўпайсин	3,13±0,04	1,6	2,88±0,06	5,7	-8,0	0,47±0,03	1,7	0,58±0,01	-0,1	+23,4
11	Фаровон х Листопад	3,03±0,01	1,2	2,55±0,01	18,0	-15,8	0,48±0,03	0,0	0,51±0,01	-0,9	+6,3
12	108-РФ х Эластик	2,85±0,03	-0,4	2,73±0,01	0,8	-4,2	0,57±0,07	11,0	0,64±0,05	6,6	+12,3
13	108-РФ х Кўпайсин	3,18±0,09	1,8	2,48±0,05	-1,4	-22,0	0,52±0,01	5,5	0,67±0,02	4,5	+28,8
14	108-РФ х Листопад	3,49±0,01	3,7	2,97±0,03	1,7	-14,9	0,51±0,04	2,4	0,62±0,08	5,8	+21,6
15	108-РФ х Фаровон	3,24±0,02	0,2	2,56±0,04	-0,2	-21,0	0,50±0,07	2,1	0,64±0,03	1,0	+28,0
16	108-РФ х Ишонч	3,21±0,01	6,0	2,43±0,07	-24,3	-24,3	0,48±0,02	-0,1	0,56±0,03	0,2	+16,7
17	Эластик х Листопад	3,68±0,01	13,9	3,02±0,09	5,9	-17,9	0,54±0,07	5,0	0,64±0,06	0,3	+18,5
18	Эластик х Кўпайсин	3,01±0,05	3,2	2,90±0,05	2,7	-3,7	0,47±0,01	9,0	0,48±0,07	-3,5	+2,1
19	Эластик х 108 РФ	3,12±0,02	2,1	3,01±0,07	1,6	-3,5	0,46±0,03	3,7	0,50±0,01	-2,5	+8,7
20	Эластик х Фаровон	2,98±0,02	0,8	2,81±0,08	4,0	-5,7	0,47±0,04	1,5	0,51±0,01	-2,7	+8,5
21	Кўпайсин х Эластик	2,97±0,09	2,8	2,42±0,02	0,5	-18,5	0,57±0,03	29,0	0,61±0,02	3,0	+7,0
22	Кўпайсин х Фаровон	3,22±0,06	2,0	2,66±0,03	2,7	-17,4	0,47±0,06	1,7	0,51±0,05	-1,4	+8,5
23	Кўпайсин х Листопад	3,05±0,07	12,7	2,40±0,03	-0,5	-21,3	0,46±0,03	1,0	0,55±0,07	2,3	+19,6
24	Листопад х Кўпайсин	2,95±0,07	9,9	2,76±0,01	3,7	-6,4	0,43±0,03	-1,0	0,52±0,08	0,3	+20,9
25	Листопад х 108 РФ	2,79±0,02	-0,2	2,68±0,03	0,4	-3,9	0,42±0,05	-0,1	0,53±0,08	2,2	+26,2
26	Листопад х Ишонч	2,84±0,01	-0,0	2,75±0,07	0,9	-3,2	0,41±0,02	-1,8	0,51±0,06	-0,9	+24,4
27	Листопад х Фаровон	2,90±0,08	0,4	2,85±0,06	48,0	-1,7	0,43±0,07	-0,1	0,62±0,01	0,7	+44,2
28	Листопад х Эластик	3,23±0,09	7,6	2,65±0,09	3,1	-18,0	0,45±0,8	-1,2	0,55±2,6	0,4	+22,2

комбинацияларида (мос равишда $6,5 \pm 0,3$ г., $6,2 \pm 0,2$ г., $6,2 \pm 0,1$ г.), энг паст кўрсаткичи эса F_1 108-РФ х Кўпайсин ($3,9 \pm 5,7$ г.) комбинациясида аниқланди.

Учинчи бобнинг олтинчи бўлими “Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида ғўза ўсимликларида морфофизиологик белгиларнинг ўзаро ва қимматли хўжалик белгилари билан корреляцияси” да белгиларнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича олинган маълумотлар келтирилган. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида кучли ижобий корреляция хлорофилл “а” ва хлорофилл “б” миқдорлари ўртасида ($r=0,71$) ўртасида аниқланди. Кучли салбий корреляция транспирация жадаллиги билан баргларнинг сув ушлаш хусусияти ўртасида ($r=-0,81$) аниқланди. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида ўртача ижобий корреляция хлорофилл “б” миқдори билан транспирация жадаллиги ўртасида ($r=0,36$), каротиноидлар миқдори билан хлорофилл “а” миқдори ўртасида ($r=0,49$), 1000 дона чигит вазни ва каротиноидлар миқдори ўртасида ($r=0,33$) аниқланди. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида ўртача салбий корреляция каротиноидлар миқдори билан барглардаги умумий сув миқдори ўртасида ($r=-0,38$) аниқланди.

Сув танқислиги шароитида кучли салбий корреляция транспирация жадаллиги билан баргларнинг сув ушлаш хусусияти ўртасида ($r=-0,84$) аниқланди. Ўртача ижобий корреляция хлорофилл “а” миқдори билан ва хлорофилл “б” миқдори ўртасида ($r=0,63$), хлорофилл “а” миқдори билан битта кўсақдаги пахта оғирлиги ўртасида ($r=0,34$), хлорофилл “б” миқдори билан транспирация жадаллиги ўртасида ($r=0,44$), 1000 дона чигит вазни билан битта кўсақдаги пахта оғирлиги ўртасида ($r=0,55$) аниқланди. Ўртача салбий корреляция каротиноидлар миқдори билан транспирация жадаллиги ўртасида ($r=-0,42$) аниқланди.

Учинчи бобнинг еттинчи бўлими “Ғўза навлари ва F_2 ўсимликларининг қимматли хўжалик белгилари ўзгарувчанлиги” да ғўза навлари ва F_2 ўсимликларининг қимматли хўжалик белгилари ўзгарувчанлиги бўйича олинган маълумотлар келтирилган. Тадқиқотларимизда F_2 дурагай комбинацияларида битта кўсақдаги пахта оғирлиги белгисининг ўзгарувчанлик кўлами ва наслдан - наслга берилиши ўрганилди. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида ғўза навлари гуруҳида битта кўсақдаги пахта оғирлиги белгиси бўйича ўзгарувчанлик кўлами Фаровон, Эластик, Листопад ва Кўпайсин навларида 4 синфни, Ишонч ва 108-РФ навларида эса 5 синфни эгаллади. Кўсақ оғирлиги бўйича ўзгарувчанлик кўлами F_2 дурагай комбинацияларида 6-7-8 синфни қамраб олди. Белги бўйича энг кам сонли синфлар, яъни тор ўзгарувчанлик кўлами Фаровон ва Листопад навларининг 108-РФ нави билан реципрок дурагайларида, яъни F_2 Фаровон х 108 РФ, F_2 108-РФ х Фаровон, F_2 108-РФ х Листопад, F_2 Листопад х 108-РФ комбинациялари ҳамда F_2 Листопад х Ишонч, F_2 Листопад х Фаровон ва F_2 Листопад х Эластик комбинацияларида бўлиб, 6 та дан синфни ташкил этди.

Барча ўрганилган F_2 комбинацияларида битта кўсақдаги пахта оғирлиги бўйича чап томонли трансгрессив ўзгарувчанлик, яъни ота-она

навларининг энг чекка синфларидан 1-2 синфга силжиш қайд этилди. 22 та дурагай комбинациясидан 15 тасида ўнг томонли трансгрессив ўзгарувчанлик ҳолати рўй бериб, ота-она навларидан ҳам йирикроқ кўсақли ўсимликлар ажралиб чиқди. Таъкидлаш лозимки, ўнг томонга 2 синфга силжиш Фаровон ва Листопад навларини чапиштириб олинган F₂ Фаровон х Листопад ва Листопад х Фаровон реципрок комбинацияларида кузатилди.

Барча ўрганилган F₂ комбинацияларида битта кўсақдаги пахта оғирлиги белгисининг наслдан-наслга берилиш коэффициентининг кўрсаткичлари ўртача ва юқори бўлиб, 0,30-0,68 ни ташкил этди. Фақатгина F₂ Листопад х Кўпайсин комбинациясида белгининг наслдан-наслга берилиши жуда паст ($h^2=0,20$) бўлди.

Сув танқислиги шароитида ўрганилган ўрта толали ғўза навларида битта кўсақдаги пахта оғирлиги белгиси бўйича ўзгарувчанлик кўлами 4-5 та синфни ташкил этди. Фаровон, Эластик, Кўпайсин ва 108-РФ навларида 4 та, Листопад ва Ишонч навларида эса 5 тадан синф қайд этилди. Сув танқислигида шароитида ўсимликларнинг энг кўп фоизи сув билан оптимал таъминланганлик шароитидаги каби Фаровон, Эластик, Кўпайсин ва Ишонч навларида 5,1-5,5 г. кўрсаткичли, Листопад ва 108 РФ навларида эса 4,6-5,0 г. кўрсаткичли модал синфларда қайд этилди.

Листопад ва Кўпайсин навларида тупроқ қурғоқчилиги фонидида битта кўсақдаги пахта оғирлиги белгиси бўйича 1 та синфга чап томонга силжиш қайд этилди. Сув танқислиги шароитида энг юқори чекка синф кўрсаткичи Ишонч навида (6,1-6,5 г.) бўлиб, бу нав бошқа навлардан устун бўлди. Бу синфга мансуб ўсимликлар 6,7% ни ташкил этди. Қолган навларда энг юқори чекка синф кўрсаткичи 5,6-6,0 граммни ташкил этди. Сув танқислиги шароитида F₂ дурагайларида битта кўсақдаги пахта оғирлиги белгисининг ўзгарувчанлик кўлами 3,1-3,5 г. кўрсаткичли синфдан бошланиб, бу синфга мансуб ўсимликлар фоизи сув билан оптимал таъминланганлик шароитидагидан юқори эканлиги қайд этилди. F₂ Фаровон х 108 РФ комбинациясида синфлар сони назорат (оптимал сув режими) дагига нисбатан биттага ошди, яъни бу дурагайда 3,1- 3,5 г кўрсаткичли синф пайдо бўлди.

Сув танқислиги шароитида битта кўсақдаги пахта оғирлиги белгиси бўйича F₂ ўсимликларида вариация коэффициенти айрим комбинацияларда кичик (Листопад х Ишонч -5,4%, 108-РФ х Кўпайсин -6,8%, Фаровон х 108 РФ -7,5% ва Листопад х Эластик-8,6%), аксарият комбинацияларда эса ўртача ва катта бўлиб, 11,1-32,0% ни ташкил этди. Сув танқислиги шароитида ўрганилган F₂ комбинацияларида битта кўсақдаги пахта оғирлиги белгисининг наслдан-наслга берилиш коэффициентининг кўрсаткичлари кичик, ўртача ва катта бўлиб, 0,29-0,70 ни ташкил этди.

Турли сув режими шароитларида ғўзада сентябрь хосили белгисининг ўзгарувчанлик кўлами ва наслдан – наслга берилиши ўрганилганда, сув билан оптимал таъминланганлик шароитида ғўза навлари гуруҳида сентябрь хосили кўрсаткичлари 51,0 г. дан 120,9 г. гача эканлиги аниқланиб, белги

бўйича ўзгарувчанлик 5-6 та синф оралиғида жойлашди. Барча F_2 дурагайлари комбинацияларида сентябрь ҳосили бўйича ижобий трансгрессия намоён бўлди. Синфлар сони F_2 дурагайларида 7-11 тани ташкил этди. Сентябрь ҳосили бўйича ижобий трансгрессия барча F_2 дурагайларида ота - она навларига нисбатан ўнг томонга 1-3 та синфга силжиш туфайли намоён бўлди. F_2 дурагайларида сентябрь ҳосили 91,0г. ва ундан ортиқ бўлган ўсимликлар Листопад х Фаровон комбинациясида 33,0% ни, Листопад х 108 РФ комбинациясида 31,0% ни, Листопад х Ишончда 28,5% ни, Листопад х Кўпайсин комбинациясида 28,0% ни ва Кўпайсин х Фаровон комбинациясида 26,0% ни ташкил этди. Вариация коэффициенти 20,2%-50,3% ни ташкил этгани сентябрь ҳосили белгисининг ўзгарувчанлиги F_2 дурагайларида катта эканлигидан далолат беради.

Сув танқислиги шароитида сентябрь ҳосили бўйича ўзгарувчанлик кўлами Фаровон, Эластик, Кўпайсин ва 108-РФ навларида 6 та, Листопад ва Ишонч ғўза навларида 5 тадан синфни эгаллади. Сув танқислиги шароитида навлараро F_2 дурагайларида сентябрь ҳосили бўйича ўзгарувчанлик кўлами 7 та синфдан (F_2 108-РФ х Кўпайсин, F_2 108-РФ х Ишонч ва F_2 Листопад х Эластик) то 9 тагача синфни (F_2 Эластик х Кўпайсин, F_2 Эластик х 108 РФ, F_2 Эластик х Фаровон ва F_2 Кўпайсин х Эластик) эгаллади, қолган комбинацияларида эса 8 тадан синф мавжудлиги қайд этилди. Сентябрь ҳосили 61,0 г. ва ундан ортиқ бўлган ўсимликлар F_2 Кўпайсин х Листопад комбинациясида -34,4% ни, F_2 108-РФ х Ишонч комбинациясида 32,5% ни, F_2 Эластик х Кўпайсинда комбинациясида 30,9% ни F_2 108-РФ х Листопад комбинациясида 30,6% ни, F_2 Эластик х 108 РФ комбинациясида 29,6% ни ва F_2 Эластик х Фаровон комбинациясида эса 29,1% ни ташкил этди. Ўрта толали ғўза навлари дурагайларида F_2 авлодида сентябрь ҳосили белгиси бўйича чап томонлама 1-2 синфга силжиш орқали намоён бўлувчи салбий трансгрессия ҳамда ўнг томонлама 2-3 синфга силжиш билан ижобий трансгрессия мавжудлиги қайд этилди.

Сув танқислигида сентябрь ҳосили бўйича вариация коэффициенти 20,4% дан (F_2 Фаровон х 108 РФ) то 54,8% гачани (F_2 Эластик х Листопад) ни ташкил қилди. Бу эса белгининг F_2 дурагайларида ўзгарувчанлиги катта эканлигидан далолат беради. Сентябрь ҳосили белгиси бўйича наслдан - наслга берилиш коэффициенти 0,31 дан (F_2 Кўпайсин х Эластик комбинациясида) то 0,68 гачани (F_2 Кўпайсин х Фаровон) ташкил қилиши унинг авлодга узатилишида генотипнинг ҳиссаси ўртача эканлигини кўрсатади. Ташқи муҳит шароитларида ўзгарувчанлиги катта бўлган сентябрь ҳосили белгиси бўйича h^2 кўрсаткичларининг ўртача бўлиши ота - она навларининг сентябрь ҳосили белгиси бўйича кўрсаткичлари нисбатан бир - бирига яқинлиги натижаси бўлиши мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи боби **”Турли сув режимида *G. hirsutum* L. тури навларининг оддий ва мураккаб F_1 - F_2 дурагайларида морфофизиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги”** да сув билан турлича таъминланганлик шароитларида

ўрта толали ғўза навларининг оддий ва мураккаб F_1 - F_2 дурагайларида морфофизиологик ва қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичлари ва уларнинг гибридологик таҳлили келтирилган.

Ушбу бобнинг биринчи бўлими “Турли сув режимида *G. hirsutum* L. тури навларининг оддий ва мураккаб F_1 дурагайларида морфо-физиологик белгиларининг ирсийланиши” да морфофизиологик белгилардан битта ўсимликдаги барглари сони, барг сатҳи, баргларнинг солиштирма сатҳ зичлиги ва уларнинг ирсийланиши ўрганилган. Оптимал сув режимида ялпи шоналаш даврига нисбатан гуллаш даврида барча генотипларда баргнинг солиштирма сатҳ зичлиги турли даражада, яъни, навларда 25,2% дан 29,5% гача, F_1 оддий дурагайларида 23,6% дан 34,3% гача ва F_1 мураккаб дурагайларида 19,8% дан 30,6% гача камайди. Фикримизча, бу ўсимликларнинг гуллаш даврида барг сони ва сатҳининг ошиши ва ассимилятларнинг ҳосил элементлари томон ҳаракатланиши билан боғлиқдир. Умуман олганда, тадқиқотларимиз сув билан оптимал таъминланганлик вариантыга нисбатан қурғоқчилик шароитида барча генотипларда баргларнинг солиштирма сатҳ зичлиги турли даражада ошишини кўрсатди. Мослашувчанлик коэффицентининг кўрсаткичлари навларда 8,1% дан 12,8% гачани, F_1 оддий дурагайларида 2,7% дан 17,1% гачани ва F_1 мураккаб дурагайларида 6,5% дан 20,0% гачани ташкил этди. Ўсимлик баргларидаги солиштирма сатҳ зичлиги белгиси бўйича олинган натижалар ўсимликларнинг сув танқислигига мослашуви фотосинтетик аппаратнинг турли элементлари, жумладан, барг қалинлиги ўзгариши ҳисобига ҳам рўй беришини кўрсатади.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг иккинчи бўлими “Турли сув режимида *G. hirsutum* L. тури навларининг оддий ва мураккаб F_1 дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши” да навлар, оддий ва мураккаб F_1 дурагайлари ўсимликларида турли сув режимларида хўжалик ҳосили, битта кўсақдаги пахта оғирлиги, тола чиқими ва 1000 та чигит оғирлигининг таҳлиллари келтирилган.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг учинчи бўлими “Турли сув режимида *G. hirsutum* L. навларининг оддий ва мураккаб F_2 дурагайларида айрим қимматли - хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги” да сув оптимал билан таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида ғўзанинг иккинчи авлод оддий ва мураккаб дурагайларида битта кўсақдаги пахта оғирлиги белгисининг ўзгарувчанлик кўлами ва наслдан-наслга берилиши таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг тўртинчи ва бешинчи бўлимларида бошқа бир гуруҳ ўрта толали ғўза навлари ва тизмаларида морфофизиологик ва қимматли хўжалик белгилари ўрганиш бўйича олинган натижалар келтирилган. Ўрта толали навлар ва тизмалар бу белгилар бўйича сув танқислигига турлича таъсирчанлик кўрсатдилар, яъни тупроқда сув танқислигида баргларидаги умумий сув миқдорининг ва транспирация жадаллигининг пасайиши ва баргларидаги сув ушлаш хусусиятининг

кучайиши кузатилди. Қурғоқчиликка чидамли ўрта толали тизмалар ажратиб олинди. Л-7 тизмасидан янги ўрта толали “Самара” ғўза нави яратилди ва ишлаб-чиқаришга жорий этилди.

Диссертациянинг бешинчи боби “Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида маҳаллий ва хорижий соя навларининг морфоҳўжалик белгилари бўйича “генотип-муҳит” ўзаро боғлиқлиги” да маҳаллий ва хорижий соя навларининг турли сув режими шароитларида морфо-ҳўжалик белгилари бўйича “генотип-муҳит” ўзаро боғлиқлик хусусиятлари ўрганилган. Бешинчи бобнинг биринчи бўлимида турли ривожланиш босқичларида маҳаллий ва хорижий соя навларининг бош поя баландлиги, бош поядаги бўғинлар сони ва битта ўсимликдаги барглар сони бўйича сув танқислиги шароитига генотипик таъсирчанлиги ўрганилган.


Бобнинг иккинчи бўлимида қимматли хўжалик белгиларидан битта ўсимликдаги дуккаклар сони, битта ўсимликдаги дон оғирлиги ва 1000 та дон оғирлиги бўйича маҳаллий ва хорижий соя навларининг сув танқислигига генотипик таъсирчанлиги аниқланган. Барча ўрганилган морфологик ва қимматли хўжалик белгилари бўйича сув танқислигига энг кучсиз генотипик таъсирчанлик кўрсаткичлари маҳаллий соя навлари гуруҳида Генетик-1, Барака ва Тўмарис навларида, Россия селекциясига мансуб соя навлари гуруҳида Селекта-302 навида, Қозоғистон селекциясига мансуб соя навлари гуруҳида эса Эврика-357 навида қайд қилинди. Бу белгилар бўйича сув танқислигига энг кучли генотипик таъсирчанлик маҳаллий соя навлари гуруҳида Сочилмас ва Орзу навларида, Россия селекциясига мансуб соя навлари гуруҳида Чара, Амиго, Арлета навларида ҳамда Қозоғистон селекциясига мансуб Нена навида кузатилди.

Диссертациянинг олтинчи боби “Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида маҳаллий ва хорижий соя навларининг физиологик белгилари бўйича “генотип-муҳит” ўзаро боғлиқлиги” да сув билан оптимал ва кам таъминланганлик шароитларида маҳаллий ва хорижий соя навларида физиологик белгиларни, бу белгилар бўйича “генотип-муҳит” ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича олинган натижаларнинг таҳлили келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлими “Соя навларининг баргларидаги умумий сув миқдори” да маҳаллий ва хорижий соя навларининг ялпи дуккаклаш даврида барглардаги умумий сув миқдори бўйича сув танқислигига генотипик таъсирчанлиги аниқланган. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида барглардаги умумий сув миқдорининг энг юқори кўрсаткичи соянинг хорижий навлари гуруҳида Дуар навида ($79,7 \pm 0,6\%$), энг кам сув миқдори эса Арлета ва Чара навларида (мос равишда $69,1 \pm 6,8\%$ ва $69,9 \pm 7,1\%$) қайд қилинди. Маҳаллий соя навлари гуруҳида барглардаги умумий сув миқдорининг энг юқори кўрсаткичи Барака навида ($79,4 \pm 1,3\%$), унинг энг кам миқдори эса Генетик-1 навида ($71,9 \pm 5,0\%$) аниқланди.

Сув танқислиги, яъни моделлаштирилган қурғоқчилик шароитида ўрганилган барча соя навларининг ўсимликлари баргларидаги умумий сув миқдори турли даражада камайди. Ушбу стресс шароитида ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдорининг энг юқори кўрсаткичларига хорижий навлар гуруҳида Қозоғистон селекциясига мансуб Эврика-357 ва Нена навлари (мос равишда $73,2 \pm 2,5\%$ ва $73,3 \pm 1,3\%$), энг паст кўрсаткичга эса Селекта-302 нави ($66,2 \pm 1,8\%$) эга бўлди. Маҳаллий соя навлари гуруҳида барглардаги умумий сув миқдорининг энг юқори кўрсаткичи Барака навида ($71,9 \pm 3,8\%$), унинг энг кам миқдори эса Устоз ММ-60 навида ($63,2 \pm 4,9\%$) қайд этилди. Барглардаги умумий сув миқдори бўйича сув танқислигига маҳаллий соя навлари гуруҳида кучли генотипик таъсирчанлик Тўмарис навида, Россия селекцияси навлари гуруҳида Дуар ва Селекта-302 навларида, Қозоғистон соя навлари гуруҳида эса Нена навида қайд қилинди. Сув танқислигига энг кучсиз генотипик таъсирчанлик маҳаллий соя навлари гуруҳида Сочилмас навида, Россия селекцияси навларидан Амиго навида, Қозоғистон селекциясидан эса Эврика-357 навида аниқланди. Бошқа соя навлари бу белги бўйича сув танқислигига ўртача генотипик таъсирчанлик намоён қилдилар.

Олтинчи бобнинг иккинчи бўлими “Соя ўсимликлари баргларининг сув ушлаш хусусияти” да сув билан оптимал таъминланганлик шароитида маҳаллий соя навлари гуруҳида баргларнинг сув ушлаш хусусиятининг энг юқори кўрсаткичи Орзу нави ўсимликларида ($48,4 \pm 4,1\%$) қайд этилиб, улар бошқа маҳаллий навларга нисбатан камроқ сув буғлатган бўлсалар, Генетик-1 ва Барака навларида эса бошқа маҳаллий навларга нисбатан баргларнинг сув сақлаш хусусияти паст (мос равишда $63,9 \pm 3,9\%$ ва $60,3 \pm 5,1\%$) бўлиб, улар сувни кўпроқ буғлатдилар (1-расм).



1-расм. Турли сув режими шароитларида соя навларининг ўсимликлари баргларининг сув ушлаш хусусияти.

Таҷрибаларимиздаги барча соя навларида оптимал шароитдагига нисбатан сув билан кам таъминланганлик шароитида ўсимлик баргларининг сув ушлаш хусусияти турли даражада ошди. Ушбу стресс шароитида маҳаллий соя навлари гуруҳида БСУХ нинг энг юқори кўрсаткичи Генетик-1

навида ($29,0 \pm 1,3\%$) қайд этилиб, бу нав энг кам буғлатган ҳолда, барг тўқималарида кўпроқ сув ушлаб тура олди. Белгининг энг паст кўрсаткичлари Тўмарис ва Орзу навларида (мос равишда $42,1 \pm 0,8\%$ ва $40,3 \pm 14,7\%$) қайд қилинди. Сув танқислиги шароитида хорижий навлар гуруҳида ўсимликлардаги баргларнинг сув ушлаш хусусияти бўйича энг юқори кўрсаткич Чара навида кузатилиб, бу нав 2 соат мобайнида бошланғич сув миқдориغا нисбатан фақатгина $12,6 \pm 0,9\%$ сувни буғлатди. Баргларнинг сув ушлаш хусусиятининг энг паст кўрсаткичи Қозоғистон селекциясига мансуб Эврика-357 навида ($27,9 \pm 10,3\%$) эканлиги аниқланди.

Баргларнинг сув ушлаш хусусияти бўйича сув танқислигига маҳаллий навлар гуруҳида кучли генотипик таъсирчанлик Сочилмас соя навида, хорижий навлар гуруҳида Спарта, Чара ва Арлета соя навларида қайд қилинган бўлса, энг кучсиз генотипик таъсирчанлик маҳаллий соя навлари гуруҳида Тўмарис навида, хорижий соя навлари гуруҳида эса Эврика-357 навида аниқланди. Бошқа соя навлари ушбу белги бўйича сув танқислигига ўртача генотипик таъсирчанлик намоён қилдилар. Умуман олганда, сув танқислигида баргларнинг сув ушлаш хусусияти маҳаллий, Россия ва Қозоғистон соя навларида кучли даражада ошгани аниқланди. Барча навлар орасида маҳаллий Сочилмас навида оптимал сув режимига нисбатан сув танқислигида баргларнинг сув ушлаш хусусияти $66,5\%$ га ошганлиги аниқланди.

Бобнинг учинчи бўлими “Соя навларининг баргларидаги транспирация жадаллиги” да баён этилишича, оптимал сув режимига нисбатан сув танқислиги шароитида барча соя навлари ўсимликларида транспирация жадаллиги турли даражада камайди (3-жадвал).

3- жадвал

Турли сув режими шароитларида маҳаллий ва хорижий соя навлари ўсимликларининг ялпи дуккаклаш даврида барглардаги транспирация жадаллиги, мг Н₂О/1г хўл барг x 1 соат


№	Навлар	ОФ			МҚ			Кмос%
		$\bar{x} \pm S \bar{x}$	δ	V, %	$\bar{x} \pm S \bar{x}$	δ	V, %	
1	Селекта-302	232,2±7,3	9,5	9,9	78,1±3,6	6,3	8,0	-66,4
2	Селекта-201	261,7±4,4	4,2	6,1	104,4±5,8	4,3	6,0	-60,1
3	Амиго	382,2±3,1	4,3	5,0	118,1±8,8	4,8	7,2	-69,1
4	Селекта-301	187,4±8,2	3,6	6,9	104,4±8,8	5,2	6,6	-44,3
5	Арлета	339,2±2,0	2,8	6,1	88,1±9,8	7,0	9,3	-74,0
6	Спарта	421,3±4,7	8,2	10,0	91,3±8,4	4,5	5,8	-78,3
7	Дуар	232,3±4,4	4,2	8,2	72,5±4,2	4,5	7,8	-67,6
8	Вилана	334,0±1,4	5,4	10,6	81,2±2,6	2,8	6,8	-75,7
9	Чара	233,2±7,5	3,0	5,6	52,7±4,3	7,5	10,1	-77,4
10	Эврика-357	268,0±1,8	5,8	6,1	135,9±9,5	6,4	8,1	-49,3
11	Нена	268,0±1,7	5,8	7,3	93,1±6,9	5,1	5,8	-65,3
12	Устоз ММ-60	308,8±4,8	6,3	9,5	112,7±2,5	3,3	9,1	-63,5
13	Барака	360,3±7,7	8,7	8,9	124,4±5,8	7,2	10,3	-65,5
14	Сочилмас	365,2±3,5	5,8	6,4	61,5±7,8	3,4	6,9	-83,2
15	Генетик-1	411,9±5,1	5,4	6,2	99,5±7,2	3,5	11,8	-75,8
16	Орзу	279,1±5,0	6,0	9,3	113,3±6,1	6,6	9,4	-59,4
17	Тўмарис	302,3±9,8	4,4	11,4	185,4±1,3	7,9	9,6	-38,7

Эслатма ОФ-оптимал сув режими, МҚ-моделлаштирилган курғоқчилик

Ўрганилган маҳаллий соя навлари гуруҳида транспирация жадаллигининг энг юқори кўрсаткичи Тўмарис навида ($185,4 \pm 1,3$ мг/г.с), энг паст кўрсаткич эса Сочилмас навида ($61,5 \pm 7,8$ мг/г.с) бўлди. Хорижий соя навларининг гуруҳида энг юқори транспирация жадаллиги Қозоғистон селекциясига мансуб Эврика-357 навида қайд этилиб, белги кўрсаткичи $135,9 \pm 9,5$ мг/г.с ни ташкил қилган бўлса, энг паст кўрсаткич эса Чара навида қайд қилиниб, белгининг кўрсаткичи $52,7 \pm 4,3$ мг/г.с ни ташкил этди. Мослашувчанлик коэффиценти кўрсаткичларининг таҳлили ўрганилган соя навларида оптимал сув режимига нисбатан сув танқислиги шароитида ўсимлик баргларидаги транспирация жадаллиги маҳаллий соя навларида 38,7-83,2%, гача, хорижий соя навларида эса 44,3-78,3% гача камайганини кўрсатди.

Бобнинг тўртинчи бўлимида соя навларининг турли ривожланиш даврларида баргларидаги пигментлар миқдорини ўрганиш натижалари ёритилган. Соя навларида шоналаш даврида бошқа даврларга нисбатан пигментлар миқдори юқори бўлиши аниқланди. Бунга сабаб, соя ўсимлигининг ўсиши ва ривожланиши шоналаш даврида жуда жадал кечади ва бунга мос равишда фотосинтез ҳам юқори бўлади.

Бобнинг бешинчи бўлими “Соя ўсимлиги баргларидаги ферментлар фаоллиги” да турли сув режими шароитларида маҳаллий ва хорижий соя навларининг ялпи дуккаклаш даврида баргларидаги айрим ферментлар фаоллигини аниқлаш натижалари келтирилган (2-расм).




2-расм. Турли сув режими шароитларида соя навларининг ўсимликлари баргларидаги пероксидаза ферментининг фаоллиги.

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида ўрганилган хорижий соя навлари гуруҳида пероксидаза ферменти фаоллигининг энг юқори

кўрсаткичи Селекта-301 навида (140,7 Е/мг оқсил), энг паст кўрсаткичи эса Селекта-302 навида (77,89 Е/мг оқсил) қайд қилинди. Маҳаллий навлар гуруҳида пероксидаза ферментининг юқори фаоллиги Сочилмас навида (137,62 Е/мг оқсил) энг паст фаоллик эса Генетик-1 ва Устоз ММ-60 навларида (мос равишда 121,07 Е/мг оқсил ва 121,46 Е/мг оқсил) эканлиги аниқланди.


Сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида хорижий ва маҳаллий соя навлари ўсимликларида пероксидаза ферментининг фаоллиги турли даражада ошди. Бу стресс шароитида маҳаллий соя навларидан Генетик-1 ва Тўмарис навларида, хорижий навлардан эса Селекта-301 навида бошқа навларга нисбатан пероксидаза ферментининг фаоллиги юқори эканлиги аниқланди. Сув танқислиги таъсирида ўсимлик баргларидаги пероксидаза ферментининг фаоллиги сезиларли даражада ошиши ўсимликларда тизимли қаршилик кучайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Тадқиқотларимизда ўсимликнинг стресс омилларига чидамлилигида муҳим аҳамият касб этувчи каталаза ферментининг фаоллиги ҳам ўрганилди ва бу фермент сув билан оптимал таъминланган шароитдаги нисбатан сув танқислиги шароитида фаолроқ бўлиши аниқланди (3-расм).



3-расм. Турли сув режими шароитларида соя навларининг ўсимликлари баргларидаги каталаза ферментининг фаоллиги.

Ялпи дуккаклаш даврида ўрганилган барча хорижий ва маҳаллий соя навларининг ўсимликлари баргларидаги каталаза ферменти фаоллигига ўсимликлар баргларидаги сув миқдорининг таъсир кўрсатиши аниқланди. Маҳаллий навлар гуруҳидан Генетик-1 ва Сочилмас навлари ҳамда хорижий соя навлари гуруҳидан Селекта-301 ва Селекта-302 навларида сув танқислигида ўрганилган бошқа навларга нисбатан супероксиддисмутаза ферменти фаоллиги кўпроқ ошганлиги намоён бўлди (4-расм).



4-расм. Турли сув режими шароитларида соя навларининг ўсимликлари баргларидаги супероксиддисмутаза ферментининг фаоллиги.

ХУЛОСАЛАР

“Соя ва ғўзада турли сув режимида морфоҳўжалик ва физиологик белгилар бўйича “генотип - муҳит” ўзаро боғлиқлиги” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўрта толали ғўзанинг турлараро ва туричида чатиштириш ҳамда мутагенез асосида олинган навларининг F_1 дурагайларида баргларидаги умумий сув миқдори белгиси бўйича сув танқислигига кучли таъсирчанлик Листопад навида, кучсиз таъсирчанлик эса Ишонч ва Фаровон навларида аниқланди. Белги сув билан оптимал таъминланганлик шароитида асосан салбий ва ижобий ўта доминантлик, сув танқислигида эса салбий ва ижобий тўлиқсиз доминантлик ҳолатларида ирсийланди.
2. Баргларидаги сув ушлаш хусусияти бўйича сув танқислигига кучли таъсирчанлик Ишонч ва Эластик навларида, барқарорлик Фаровон навида, транспирация жадаллиги бўйича кучли таъсирчанлик Листопад навида, кучсиз таъсирчанлик 108РФ навида аниқланди. Бу белгилар сув билан турлича таъминланганлик шароитларида асосан, ижобий ва салбий ўта доминантлик ҳолатида ирсийланди.
3. Ғўза навлари ва уларнинг F_1 дурагайлари сув танқислигига баргларидаги умумий сув миқдори ва транспирация жадаллигининг пасайиши, баргларидаги сув ушлаш хусусиятининг турли даражада ошиши билан

бир йўналишдаги мослашувчанлик хусусиятларини намоён этдилар. Навларнинг юқори кўрсаткичлари доимо ҳам дурагай авлодга берилмаслиги ва ота-она шаклларининг комбинацияларига боғлиқлиги аниқланди.

4. Навларнинг баъзи тўғри ва тескари F_1 дурагайларида ўрганилган белгилар бўйича реципроқ фарқланиш сув билан таъминланганлик фонларига боғлиқ равишда бир фонда намоён бўлиши, бошқасида эса мавжуд бўлмаслиги исботланди. F_1 комбинацияларида барглардаги умумий сув миқдори ва транспирация жадаллиги бўйича реципроқ фарқланишлар сони сув билан турлича таъминланганлик фонларида бир хил бўлди, баргларнинг сув ушлаш хусусияти бўйича эса сув танқислигида кўплаб тўғри ва тескари дурагайларда реципроқ фарқланишлар аниқланмади.
5. Сув танқислигига барглардаги хлорофилл “а” миқдори бўйича кучли таъсирчанлик Листопад ва Ишонч навларида, кучсиз таъсирчанлик эса Кўпайсин навида, хлорофилл “б” миқдори бўйича кучли таъсирчанлик Фаровон навида, кучсиз таъсирчанлик 108РФ, Листопад ва Ишонч навларида, умумий хлорофилл ва каротиноидлар миқдори бўйича кучли таъсирчанлик Эластик ва Фаровон навларида, умумий хлорофилл миқдори бўйича кучсиз таъсирчанлик Кўпайсин ва 108-РФ навларида, каротиноидлар миқдори бўйича эса Ишонч ва Листопад навларида қайд этилди.
6. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида барглардаги хлорофилл “а” ва “б” миқдори белгилари асосан ижобий ўта доминантлик ва паст кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз доминантлиги, сув танқислигида хлорофилл “а” салбий ўта доминантлик ва тўлиқсиз доминантлик, хлорофилл “б” - ижобий ўта доминантлик ҳолатларида, умумий хлорофилл иккала фонда ҳам ижобий ўта доминантлик, каротиноидлар миқдори белгиси сув билан оптимал таъминланганликда ижобий ўта доминантлик, сув танқислигида эса ижобий ва салбий ўта доминантлик ҳамда тўлиқсиз доминантлик ҳолатларида ирсийланди.
7. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида ижобий кучли корреляция хлорофилл “а” билан хлорофилл “б” ўртасида ($r=0,71$) салбий кучли корреляция, транспирация жадаллиги билан баргларнинг сув ушлаш хусусияти ўртасида ($r=-0,81$), сув танқислигида транспирация жадаллиги билан баргларнинг сув ушлаш хусусияти ўртасида ($r=-0,84$) аниқланди. Бошқа физиологик кўрсаткичларнинг ўзаро ва қимматли хўжалик белгилари билан корреляцияси сув билан турлича таъминланганлик шароитларида ижобий ва салбий кучсиз ва ўртача даражада бўлди.
8. Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида қимматли хўжалик белгиларининг F_1 дурагайларида ирсийланиши, барча миқдорий белгиларда бўлганидек, полиген бошқарилиши аниқланди. Бунда

- сентябр ҳосили бўйича ўзгарувчанлик кўлами ота-она навларида 5-6 синфни, F_2 дурагайларида эса сув билан оптимал таъминланганлик шароитида 8-11 синфни, сув танқислигида 7-9 синфни ташкил этди, яъни F_2 да вариация коэффиценти (V) бўйича ўзгарувчанлик кўлами ота-она навлариникига нисбатан кенг бўлди. Тупроқ қурғоқчилиги шароитида баъзи F_2 комбинацияларида белгининг наслдан - наслга берилиш коэффиценти (h^2) нинг 0,60 дан юқори бўлгани, уларда F_2 авлодидан бошлаб қурғоқчиликка чидамликни эртаки юқори ҳосил билан уйғунлаштирган генотипларни ажратиш олиш имконини беради.
9. Ўрта толали ғўза навларининг оддий ва мураккаб F_1 дурагайларида битта ўсимликдаги барг сони, барг сатҳи, барг солиштирма сатҳ зичлиги, сентябр ҳосили, битта кўсақдаги пахта оғирлиги, тола чиқими ва 1000 та чигит оғирлиги каби миқдорий белгилар бўйича генетик-селекцион кўрсаткичлар, айрим қимматли хўжалик белгиларининг F_2 авлодидаги ўзгарувчанлик кўлами чатиштириш услубларидан кўра кўпроқ ҳар бир дурагай комбинациясининг сув билан таъминланганлик шароитларига таъсирчанлик даражаларига боғлиқлиги аниқланди.
 10. Ўрта толали ғўза нав ва тизмаларини сув билан турлича таъминланганлик, жумладан, сув танқислиги шароитларида физиологик ва морфо-хўжалик белгилари бўйича баҳолаш ҳамда мақсадли селекция ишларини олиб бориш натижасида Л-7 тизмасидан “Самара” нави яратилиб, ишлаб-чиқаришга жорий этилди.
 11. Маҳаллий ва хорижий соя навлари физиологик-биокимёвий ва морфо-хўжалик белгилари бўйича генетик полиморфизмга эга бўлдилар. Ўрганилган соя навлари сув танқислигига ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдори, транспирация жадаллиги, яшил пигментлар ва дондаги ёғ миқдорининг камайиши, баргларнинг сув ушлаш хусусияти, барглардаги каротиноидлар миқдори, каталаза, пероксидаза ва супероксиддисмутаза ферментлари фаоллиги, пролин аминокислотаси миқдорининг ошиши каби бир хил йўналишдаги, бироқ турли даражадаги мослашувчанлик намоён этдилар.
 12. Сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида соя ўсимлигида ижобий кучли корреляция хлорофилл “а” билан хлорофилл “б” миқдорлари (мос равишда $r=0,95$; $r=0,83$; $r=0,93$ ва $r=0,89$), салбий кучли корреляция эса транспирация жадаллиги билан баргларнинг сув ушлаш хусусияти ўртасида ($r=-0,94$ ва $r=-0,81$) аниқланди. Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида ўрганилган бошқа белгилар ўртасидаги корреляция эса ижобий ва салбий кучсиз ва ўртача даражада бўлди.

ТАВСИЯЛАР

1. Ўрта толали ғўзанинг тадқиқотларимиз асосида яратилган, 2021 йилдан истиқболли нав сифатида Давлат реестрига киритилган “Самара” ғўза навидан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш тавсия этилади.

2. Ўрта толали ғўзанинг Ишонч, Фаровон навлари ва Л-НSt, Л-100 тизмалари ғўзанинг қурғоқчиликка чидамлилигини ошириш бўйича генетик-селекцион тадқиқотларда чидамли бошланғич манба сифатида фойдаланиш тавсия этилади;
3. Сув танқислигига чидамлилик хусусияти бўйича ажратиб олинган соянинг Тўмарис, Барака ва Устоз ММ-60 навларидан соянинг қурғоқчиликка чидамлилик селекциясида бошланғич манба сифатида кенг фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

**ИНСТИТУТ ГЕНЕТИКИ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ
РАСТЕНИЙ**

МАТНИЯЗОВА ХИЛОЛА ХУДАЙБЕРГЕНОВНА

**ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ "ГЕНОТИП-СРЕДА" ПО
МОРФОХОЗЯЙСТВЕННЫМ И ФИЗИОЛОГИЧЕСКИМ ПРИЗНАКАМ
У СОИ И ХЛОПЧАТНИКА ПРИ РАЗНОМ ВОДНОМ РЕЖИМЕ**

**03.00.07- Физиология и биохимия растений
03.00.09- Общая генетика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc)
БИОЛОГИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент - 2022

Тема диссертации доктора (DSc) биологических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.2.DSc/B100.

Диссертационная работа выполнена в Институте генетики и экспериментальной биологии растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.genetika.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научные консультанты:

Набиев Сайдигани Мухторович
доктор биологических наук, профессор

Курбанбаев Илхам Джуманазарович
доктор биологических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Сафаров Каримжон Сафарович
доктор биологических наук, профессор

Джаббаров Иброхим Шодманович
доктор биологических наук, доцент

Холлиев Аскар Эргашович
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский Государственный Аграрный университет

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2022 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.53.01 при институте Генетики и экспериментальной биологии растений (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори-юз. Актовый зал института Генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: igebr_anruz@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре института Генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрировано за №). Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори-юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2022 года.

А.А.Нариманов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с.х.н., проф.

С.К.Бабоев
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.б.н., проф.

Р.К.Шадманов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Из-за увеличения численности населения на Земле также повышается потребность в продуктах питания. Если население Земли в 2018 году составило 7,4 миллиарда, прогнозируется, что оно к 2050 году достигнет 9,7 миллиарда¹. На сегодняшний день глобальное изменение климата и непрерывное повышение температуры воздуха приводят к уменьшению запасов воды, расширению площади аридных земель и дальнейшему снижению объема и качества урожая сельскохозяйственных культур. При уменьшении воздействия таких абиотических факторов, исследование физиологических основ толерантности к засухе сельскохозяйственных культур, в том числе, хлопчатника и сои, увеличения объема и качества их урожая, приобретает важное научно – практическое значение.

В мире при улучшении хозяйственно - ценных признаков хлопчатника вида *G. hirsutum* L., создании толерантных к водному дефициту сортов уделяется особое внимание взаимодействию генотип - среда физиологических признаков. Проводятся исследования по установлению генетических закономерностей наследования, изменчивости морфобиологических и хозяйственно - ценных признаков и взаимной корреляционной связи с физиологическими показателями у внутривидовых гибридов хлопчатника. При этом, в генетико – селекционных исследованиях широкое использование имеющийся генофонда таких основных сельскохозяйственных культур, как хлопчатник и соя, создание новых перспективных линий и сортов с использованием физиологических показателей водного обмена и особенностей их связи с морфохозяйственными признаками растений является актуальной задачей.

В годы независимости нашей Республики, в результате осуществления больших реформ в сельскохозяйственной отрасли достигнут ряд успехов при создании новых сортов такой традиционной культуры, как хлопчатник. Наряду с этими достижениями, осуществляются работы по адаптации к условиям Узбекистана сои, одной из новых нетрадиционных культур, расширению ее посевных площадей. В “Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”² намечены задачи по “созданию и внедрению новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, приспособленные к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям”. Исходя из этих задач, выделение и внедрение в селекцию ценного исходного материала на основе определения степени адаптации и устойчивости сортов и линий хлопчатника к такому абиотическому стресс фактору, как водный дефицит и научное исследование физиологических и генетических особенностей этого свойства приобретает важное значение при создании новых сортов.

¹ <https://www.un.org/ru/global-issues/population>

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года.

Данное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2832 “О мерах по увеличению производства сои и по организации возделывания соевых бобовых культур в республике в 2017-2021 годы” от 14 марта 2017 года, в Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 105 “О мерах по дальнейшему увеличению объема производства сои в Республике” от 10 февраля 2018 года, за № 985 “О размещении сортов хлопчатника и прогнозных объемах производства хлопка в 2020 году” от 12 декабря 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики –V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³.

Научные исследования, направленные на изучение устойчивости к стресс факторам внешней среды у видов хлопчатника рода *Gossypium* L. проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в том числе, в университете Северного Техаса (США), университете Миссисипи (США), Southern Plants Agricultural Research Center (США), научно-исследовательских центрах департамента сельского хозяйства США (USDA-ARS), Cotton Research Institute (Египет), Central Cotton Research Institute (Пакистан), Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University (Китай), Институте экологии и географии (Китай), Central Institute for Cotton Research (Индия), Cotton Research Institute (Турция), University of Sydney (Австралия), исследования по генетике и физиологии устойчивости к неблагоприятным факторам у культуры сои проводятся в ICAR-(Indian institute of soybean research) (Индия), University of Nebraska, Lincoln (США), Cairo University (Египет), South Dakota State University (США), University of Georgia (Тбилиси), исследования по генетике, геномике и устойчивости к абиотическим стрессам сои проводятся университете Missouri (The soybean Genetics & Genomics laboratory) и в других научных учреждениях.

В результате проведенных в мире исследований по толерантности хлопчатника и сои к абиотическим факторам получен ряд научных результатов, в том числе: установлено отрицательное воздействие высокой температуры на рост и урожайность хлопчатника на всех этапах развития (University of Agriculture, Faisalabad, Pakistan), на основе генетико - селекционных исследований получены гибридные сорта хлопчатника, толерантные к засухе (Cotton Research Institute (CRI) of Nanjing Agricultural

³ Комментарии зарубежных исследований по теме диссертационной работа основаны на <https://www.researchgate.net/publication>, www.mdpi.com/2073-4395/11/9/1825/htm, www.ars.usda.gov/plains-area, <https://mascotton.njau.edu.cn>, <https://iisrindore.icar.gov.in/> и другие источники.

University), выявлены гены солеустойчивости на основе молекулярно - генетических исследований (Texas Tech University, Lubbock, Texas, USA), определена роль почвенной экосистемы при возделывании сои (South Dakota State University), путем молекулярно – генетического исследования эволюции генома сои выявлены маркеры засухоустойчивости и с помощью этих маркеров создана коллекция высокоурожайных линий (The soybean Genetics& Genomics laboratory, USA).

В мире по устойчивости сои и хлопчатника к абиотическим стресс факторам проводятся ряд исследований, в том числе, в таких приоритетных направлениях, как: наследование и изменчивость морфохозяйственных признаков в разных агроэкологических условиях, использование в селекционном процессе разнообразий сои и средневолокнистого хлопчатника в качестве исходного материала, вовлечение генетического потенциала гермплазмы хлопчатника в селекционные программы с помощью геномных технологий, создание новых сортов с комплексом хозяйственно-ценных признаков и адаптивных свойств на основе традиционных и нетрадиционных генетико-селекционных методов и современных МАС технологий и т.д.

